



НАВОИЙ: ИСПОХОТЛАР МАРКАЗИДА ИНСОН ҚАДРИ

Айни кунларда "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш мақсадида Навоий вилоятида бўлиб турибди. Жараён доирасида ҳудуддаги йирик саноат ва ижтимоий мажмуалар фаолияти, аҳоли бандлиги, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинмоқда. Бунда партия фаолларининг асосий эътибори ислохотларнинг қандай самара бераётгани ва уларнинг ҳаётдаги аниқ натижаларига қаратилган.

Ишчи гуруҳ дастлаб Навоий вилояти саноати фахри саналмиш "Навоийазот" акциядорлик жамиятида бўлди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган ушбу корхонада 8 минг 600 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда, уларнинг 3 минг 450 нафари хотин-қизлардир. Бу кўрсаткич саноат соҳасида гендер мувозанатини таъминлаш йўлидаги муҳим ютуқ сифатида қайд этилди. Қолаверса, жамиятда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқарув раиси ўринбосари лавозими ва Хотин-қизлар кўмитаси фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур тизимли ёндашув натижасида "Навоийазот" ўтган йил "Республикада гендер тенгликни таъминлаш бўйича энг яхши ташкилот" сифатида эътироф этилган. Мажмуа ишчи-ходимлари билан учрашувда сўзга чиққан партия етакчиси мамлакатимиз нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга эканини таъкидлар экан, бу соҳаларда илм-фан ютуқларининг кенг татбиқ этилаётгани ишлаб чиқариш самарадорлигини бир неча баробар ошираётганини қайд этди. Айниқса, табиий ресурслардан оқи-

лона фойдаланиш, ҳар қарич ерни унумли ўзлаштириш ва аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бугунги кунда нафақат миллий, балки глобал миқёсда долзарб масалага айлангани таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, "Навоийазот" меҳнат жамоасининг саъй-ҳаракати нафақат саноат, балки агросаноат тизимидаги ютуқларга ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида эътироф этилди.

– *Партияимизнинг дастурий гоյлари – табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик тоза ва барқарор саноатни йўлга қўйиш, фуқаролар турмуш даражасини ошириш каби мақсадлар сизнинг меҳнат фаолиятингиз билан уйғунлиқда амалга оширилиши кўриши биз учун муҳим, – дед таъкидлади Робахон Махмудова.*

Тадбир якунида "Навоий азот" АЖ Бошқаруви раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Насиба Содиқова сўзга чиқиб, партия бошланғич ташкилотини тузиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур таклиф қўллаб-қувватланди ва партия гоյларига хайрихоҳлик билдирган 50 нафардан ошқик ходим "Адолат" СДП аъзоллигига қабул қилинди.

Хабарингиз бор, сўнгги кунларда Навоий шаҳри иклимида кузатилган чанг нафақат ҳудуд аҳолиси, балки кенг жамоатчиликни ҳам бирдек хавотирга солди. Робахон Махмудова "Навоийазот" АЖ Бошқаруви раиси Фаррух Самадов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– *Партияимиз экологияни муҳофаза қилиш, соҳада кузатилаётган локал муаммоларни ўз вақтида, тезкор ҳал этишга жиддий эътибор қаратади. Жорий йил мамлакатимиз халқаро "ОРХУС" конвенциясини ратификация қилди. Қолаверса, кун кеча Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат етиштириш, бунда кимёвий ўғитлардан меъёрида фойдаланишга эътибор қаратиш каби аниқ вазифалар белгиланди. Умуман, корхона кимё йўналишида эканлини ҳисобга олиб, экологияни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этиши керак. Зеро, биз саноат лойиҳаларида экологик мувозанат ва халқимиз саломатлиги биринчи навбатда эътиборга олинishi тарафдоримиз, – деди партия етакчиси.*

Муносабат

АГРАР САЛОҲИЯТДАН ТЎЛАҚОНЛИ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Жаҳон миқёсида бугунги геосиёсий ва иқтисодий беқарорлик шароити ҳар бир давлат олдида ўз иқтисодий хавфсизлигини барқарор таъминлаш, стратегик мустақиллигини асраш ва аҳолисини озиқ-овқат билан кафолатли таъминлашни устувор вазифа этиб қўймоқда. Бу жараёнда миллий аграр салоҳиятни юксалтириш ва ундан унумли фойдаланиш нафақат иқтисодий барқарорлик, балки ижтимоий осойишталикнинг ҳам муҳим омили саналади.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

30 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини кўпайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ана шундай стратегик муаммоларни ҳал этишга қаратилган муҳим сиёсий платформа вазифасини ўтагани билан аҳамиятли бўлди.

Йиғилишда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги катта ижобий ўзгаришлар, яъни 250 минг гектар ернинг озиқ-овқат етиштиришга ажратилиши, 160 минг гектар янги боғ ва тоқзорлар, 1 миллиард долларлик 1,5 мингта лойиҳа ишга туширилгани, замонавий қадоқлаш ва музлатиш инфратузилмасининг шакллантирилгани бугунги миллий агросаноат мажмуасининг салоҳияти жадал ўсиб бораётгани таъкидлаб ўтилди.

Энг муҳими, бу жараёнларда глобал хавф-хатар бўлмиш об-ҳаво инжиқликлари, сув танқислиги, экспорт бозорларидаги кескин рақобат етарлича ҳисобга олинмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар бир экспорт бозорига кириб бориш миллий иқтисодий хавфсизликка бевосита дахлдор эканига алоҳида ургу бериб, бу борада тамоман янги ва қатъий ёндашувга ўтиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Муҳокамаларда маҳсулотларни музлатиш, қадоқлаш, қайта ишлаш кўшимча қийматни ошириб, ташқи бозорда "Ўзбекистонда етиштирилган" брендини сақлаб қолишни муҳим гарови экани таъкидланди. Президент бу йўналишдаги заиф алоқаларни очиқ танқид қилар экан, масъуллардан жиддий ўзгаришлар кутаётганини билдирди.

Бу жараёнда икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, аграр салоҳиятга салоҳият деб қараб қолмасдан, уни реал иқтисодий қийматга айлантириш механизмларини яратиш. Масалан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кластер тизимини такомиллаштириш, логистика ва сақлаш инфратузилмаларини замонавийлаштириш бугунги кунда ҳаётий аҳамият касб этмоқда.

"Халқ банки" КИМНИНГ БАНКИ?

ХАЛҚНИКИМИ ёки...



Пластик қартамнинг амал қилиш муддати тугагани сабабли "Халқ банки"нинг Ангрен филиалига ишим тушди. Тўртинчи марта боришимда, иш вақтини чама-лаб, соат 9:00 га етиб бордим. Ҳар ҳолда ҳафтанинг биринчи куну...

Аммо янглишибман, банк ходимлари ҳали ишга келмаган экан. Мен каби мижозлар кўп, аксига олиб, навбатни ҳисобга олиш ускуна-сида қоғоз тугаб қолибди. Ким-кимдан кейин билиб бўлмайди. Ниҳоят, етиб келган ходима қизлардан бири "қўлбола навбат"да туришни таклиф қилиб қолди. Кимдир оддий қоғозга исм-шарифимизни кетма-кет ёзиб чиқди. Менга 18-навбат тегди.

АДОЛАТ, ТЕНГЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

ТАМОЙЛАРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ

ЯНГИ ТИЗИМ: ЭНДИ ПЕНСИЯ ЎЗИ КЕЛАДИ

Қарорга асосан мурожаатсиз пенсия тайинланади. Эндиликда пенсия тайинлаш учун ногиронлиги белгиланган фуқаро махсус ҳужжат тўплаб, пенсия жамғармасига бориши шарт эмас.

ҲАММАГА ШУНДАЙ ПРОКУРОР КЕРАК

Унинг адолатли бошқарувидан на собиқ президентнинг укаси, на пойтахт мэри, на вазир ўринбосари омон қолди. Охирида унинг ўзи ҳам истеъфога чиқишига тўғри келди...

НАВОИЙ: испоҳотлар марказида инсон қадри

Мулоқот давомида корхона томонидан атмосферага ташламалар миқдорининг меъёрдан ошмаслигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Қайд этилишича, 450 гектар ҳудудни эгаллаган sanoat ҳудуди ситуацион марказ орқали тўлиқ назорат қилинади. Бундан кўзланган мақсад — фавқулодда вазият юзага келганда ёки атмосферага газ сизиб чиқиши кузатишганда, тезкор чора кўришдан иборат.

— Бундан ташқари, махсус экология бошқармаси, фавқулодда вазиятлар аурохи, техник-хаёфсизлик ходимлари куну тун олиб боради, — деди жамият бошқаруви раиси Фаррух Самадов. — Корхонамизни 2030 йилгача тўлиқ модернизация қилиш мақсад қилинган. Ушбу жараёнда, аввало, "яшил иқтисодиёт" тамойиллари, энергия тежамкорлик ва иқтисодий самарадорлик диққат марказимизда бўлади. Бу борада Швейцариянинг мотиоринге ва проноз компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Сўнги кунларда қузатишган чане-туман ҳодисаси дастлабки таҳлиллар ҳодиса жамиятга дахлдор эмаслигини кўрсатмоқда.

Ф.Саматов вазият юзасидан вилоят ҳокимлиги ва экология вазирлиги мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ мустақил таҳлил олиб бораётгани, "ОРХУС" конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, хулосаларни жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари, веб-сайти ва телевидение орқали очиб, шаффоф ҳолда халққа етказиш йўлга қўйилганини маълум қилди. Робохон Махмудова корхона томонидан нафақат ҳудуд ичкараси, балки аҳоли яшайдиган ёндош маҳаллаларда ҳам ҳаво таркибини мунтазам назорат қилиш датчиклари ўрнатилаётганини ижобий баҳолаб, ушбу амалий ишларни халққа етказиш, фаоллар, нурунийлар ва оммавий ахборот воситалари учун прес-турлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МЕХНАТИ ҚАДРЛАНГАН ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҚАРОР ТОПАДИ

Албатта, ўз жамоасининг равнақи йўлида меҳнат қилаётган инсонга эътироф ва эъзоз ярашади. Бошқа тарафдан, бу жамиятда ижтимоий адолат қарор топаётганининг ёрқин кўринишидир. Чунки инсон ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланган, саломатлиги мустаҳкамланган ва фидойий меҳнати қадрланган жамиятда барқарор ривожланиш юзага келади. Шу маънода, меҳнатқаш қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, маънавий ҳордиқ олиши учун етарли шарт-шароит яратишга "Адолат" СДП ўз дастурий йўналишларида алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. "Навоийазот" акциядорлик жамиятида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар билан танишган ишчи гуруҳимиз учун ҳам айни эътиборга молик жиҳат — корхона ишчи-ҳодимларининг соғлигини муҳофаза қилишга хизмат қилаётган кўп қиррали даволаш-профилактика маркази бўлиди.

Мазкур тиббий муассаса 1970 йилда ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги касалликларнинг олдини олиш, ходимларни мунтазам тиббий куридан ўтказиш, соғломлаштириш ва санитария-гигиена чораларини тизимли амалга ошириш асосий фаолият йўналиши саналади. Айни дамда бу ерда 30 нафар малакали шифокор, 116 нафар ҳамшира, 29 нафар фельдшер ва бошқа мутахассислар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси Тошкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург ва Киевнинг етакчи тиббиёт марказларида малака ошириб келишган.

Марказ таркибида 50 ўринли жарроҳлик бўлими, кунига 400 беморни қабул қила оладиган поликлиника ҳамда 50 ўринли касб касалликлари бўлими фаолият яратилади. Марказ фақат корхона ходимлари учунгина эмас, балки шу даргоҳда йиллар давомида меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийларга ҳам хизмат кўрсатади. Партия етакчиси бу каби марказлар ишлаб чиқариш тармоқларида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, фаолият билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва шикастланишлар сонини камайтиришда, бирламчи ногиронликнинг олдини олишда беқийс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Дарҳақиқат, муносиб ва фидойи меҳнат қилган ҳар бир инсон қадрланиши керак. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги ҳар бир йирик корхона шундай тизимли жорий қилиши, меҳнатқашни нафақат иши, балки ижтимоий кайфиятини яхшилашга интилиши зарур. Бу орқали биз нафақат самарадор ишлаб чиқаришга эришамиз, балки инсон қадрини улуглайдиган жамиятни барпо этамиз, — деди Робохон Махмудова.

Бундан ташқари, завод ҳудудида 7 та соғломлаштириш шахобчаси фаолият кўрсатиб, фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилган. Бу эса навоий корхонасининг инсон омиллига бўлган масъулияти юксак эканидан далолатдир.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ, КЕЛГУСИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Навоий вилояти — юртимизнинг ҳудудий жиҳатдан энг йирик минтақаси. Бу заминда бир миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, уларнинг қарийб 510 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, оналик ва болалик масаласи, айниқса, ҳомиладор аёллар ўртасида профилактик ишлар олиб бориш, мурдатидан аввал ва кам вазли чақалоқлар туғилишининг олдини олиш вилоятда ижтимоий аҳамияти юксак масалалардир.

Сиёсий Кенгаш раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида бўлиб, муассаса фаолиятини яқиндан ўрганди. Асосан мураккаб туғуруқларни хавфсиз амалга ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган марказда жорий йилнинг биринчи ярми буйича 2 минг 948 та туғуруқ амалга оширилган, шундан 478 таси мурдатидан олдин, 73 таси икки ёки уч эгизакли туғуруқлар ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, бу кўрсаткичлар ҳудудда юқори малакали тиббий хизматга бўлган эҳтиёж ва унинг ҳаётий аҳамиятини яққол намоян қилади. Ўрганиш жараёнида марказ раҳбарияти томонидан "Ишонч-2030" лойиҳаси доирасида олиб келинган замонавий тиббий жиҳозлар тақдимот қилинди. Шундан сўнг ҳомиладорлик патологияси буйича кам вазли чақалоқларни парвартириш ва соғломлаштириш учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

— Сўнги йилларда муассасамизга 11 турдаги 26 та замонавий тиббий аппарат келтирилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетдан ажратилган 720 миллион сўм эвазига автосемотрансфузия аппарати харид қилинди. Бу ускуна ёрдамида оғир туғуруқни бошдан кечирган аёлларга тезкор шошилчин ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди. Эътиборга молик яна бир жиҳат шундаки, хотин-қизларда учрайдиган онкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида ПЦР-лаборатория ташхислари бевоқиф шунинг марказда ўтказилмоқда. Ҳар кун 180 нафарга аёлдан намуна олинди, диагностика натижалари тезкор тарзда чиқарилмоқда. Бу, аввало, хасталикларни эрта аниқлаш, ўз наёбатиди, фавқулодда вазиятларда она ва бола ҳаётини асраб қолиш имкониятини оширади, — деди марказнинг вилоят филиали директори Акрам Эшонқуллов.

Танишув мобайнида Робохон Махмудова мутахассислар билан аутизм, болалар церебрал фалажи, Даун синдроми, ретинопатия каби туғма-ирсий патологияларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва бундай ҳолатларни камайтириш буйича фикр алмашди. Шундан келиб чиқиб, мавжуд шароитларни баҳолаш, ҳудуддаги тиббий хизмат самарадорлигини ошириш, ижтимоий масъулиятни кучайтириш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Ишчи гуруҳнинг Навоий вилоятидаги ўрганиш ишлари давом этмоқда.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Сарҳисоб



АДОЛАТ, ТЕНГЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

тамоийилларини мустаҳкамлашга қаратилган фаолият

Маълумки, бугунги глобаллашув даврида давлат ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришда сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз мақсад ва ғоялари орқали халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда демократик бошқарувни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Фракциянинг 2025 йил биринчи ярмидаги фаолияти жамиятда қонун ва ижтимоий адолат тамойилларини устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда бошқа тадбирларни самарали ташкил этишда фракция томонидан 2024 йил якунида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган "2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси"га таянилади.

Ҳисобот даврида жами 30 мартаба фракция мажлиси ўтказилиб, уларда 255 та масала муҳокама қилинди. Фракция аъзолари бошқа фракциялар билан биргаликда 6 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритишда ҳам ташаббускор бўлишди. Жумладан, депутатлар Н.Джанибекова, Г.Агамова, Ш.Якубов, Б.Тўхтамурадов, З.Мавлоновларнинг бу борадаги фаолияти эътирофга лойиқ. Умуман олганда, фракциянинг барча аъзолари қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, айниқса, қўйи партия ташкилотларидан тақлифлар олиш борасида салмоқли ишларни амалга оширишди.

"Фракция — марказ — вилоят — туман" тизими орқали партия билан ҳамкорликда 10 га яқин қонун лойиҳаларининг жойлардаги давомида аниқланган этилиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган асосли тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар белгиланган тартибда масъул кўмиталарга тақдим этилди.

Долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш ташаббусини илгари суришда ҳам фракциянинг роли ва ўрни ортди. Фракция аъзоларининг жойлардаги ўрганишлари ҳамда сайлов округларидаги фаолиятлари давомида аниқланган долзарб масалалар буйича берилган тақлифлари асосида 1 марта "парламент шитувти" ва 2 марта "ҳукумат соати" ўтказилди ҳамда 1 та парламент сўрови юборилди. Бинобарин, фракция тақлифи асосида 2025 йил 18 март кунини Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Маҳмадованинг "Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан ахбороти эшитилди. 6 май кунини эса фракция ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси тақлифи асосида Соғлиқни сақлаш вазири А.Худаяровага "Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўрови юборилди.

Ҳисобот даврида сайловлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда партия электорати томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нукта назарини баён этиш талаби билан давлат органларининг мансабдор шахсларига жами 21 та депутат сўрови юборилди. Бундан ташқари, фракция мажлисларида жойларда қонун ва қонун-ости ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятлари давомида аниқланган тизимли муаммолар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотлари эшитиб берилмоқда.

Фракция томонидан жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлантириб келаятган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, мурожаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида фракция раҳбари бошчилигида партиянинг сиёсий мафқураси ҳамда электрот манфаатидан келиб чиқиб, аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар ўтказилди.

Уларда тиббиёт соҳасидаги муаммолар, дорилар устидан назорат, нархлар сунъий ошишининг олдини олиш, суд-ҳуқуқ, адлия, таълим соҳасидаги ислохотлар самарадорлиги, истироҳат боғларини яхшилаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий объектларни сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш ва инвестиция дастур-

лари, хотин-қизлар муаммолари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Айниқса, жорий йил 16 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек, ҳукумат томонидан ишлаб чиқилаётган кенг қамровли ислохотлардан аҳолининг хабардорлиги, ислохотларни амалда ижро этилаётгани, натижадорлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юзага келаятган долзарб муаммоларни аниқлаш ва аҳолини қийнаб келаятган масалаларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова бошчилигидаги Ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 11-12 июнь кунлари Жиззах вилоятида, шунингдек, 25-26 июнь кунлари Сирдарё вилоятида ўтказилган ўрганишлар асосида ислохотларнинг жойлардаги реал ижроси ва аҳоли кайфияти бевоқиф таҳлил қилинди, тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини юзасидан аниқ қонунчилик тақлифлари ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси, ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар фракция мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимият органларига тақлифлар киритиб борилиши яқин анъанага айланди. Мазкур жараёнга партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам фаол жалб этилди.

Маълумки, фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари ҳисобот даврида жами 1221 та учрашув ўтказдилар, бу учрашувларга 21 609 нафар аҳоли, шу жумладан, 1 612 та тадбиркорлар қамраб олинди. Ҳудудлардаги 612 та аҳоли хонадонини, 284 та тадбиркорлик субъектини ва 649 та ижтимоий соҳа объектига ташриф буюрилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш буйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фракция аъзолари номига аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакилларидан жами 63 та мурожаат, шундан 62 та жисмоний шахслардан, 1 таси юридик шахсдан 10 такоррий мурожаат, 18 та ёзма, 45 та электрон шаклда келиб тушди.

Фракция томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, муҳим тармоқ ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлифларни ишлаб чиқиш буйича тадбирлар ўтказилди. Ҳисобот даврида фракция аъзоларининг ташаббуси ва бевоқиф иштирокида жами 10 та тадбир, жумладан, 2 та семинар ва 5 та давра суҳбати ҳамда 2 та конференция ташкил этилди. Шунингдек, 1 та брифинг ўтказилди.

Ҳисобот даврида фракциянинг партия билан ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда жойлардаги долзарб масалалар ва мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларни ҳал этиб, натижадорликка эришишга қаратилган ишлари давом эттирилди.

Хусусан, фракция ва партия ҳамкорлигида 12 та мажлис ўтказилиб, уларда 47 та масала кўриб чиқилди.

Ушбу йиғилишларда кўриб чиқилган масалаларнинг 18 таси Президентнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ташқи сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар буйича мурожаатлари, фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга, 7 таси қонун ижодкорлигига, 6 таси назорат-таҳлил фаолиятига, 12 таси ташкилий ҳолатда 4 таси сайлов округига доир масалаларга бағишланди.

Шунингдек, жами 10 та тадбир, шу жумладан,

4 та семинар, 5 та давра суҳбати ва 1 та конференция ташкил этилди.

Фракция томонидан партия билан ҳамкорликда жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ҳамда аёллар муаммоларига самарали ечим топишга қаратилган "Биз коррупцияга қаршимиз", "Бир ойда — бир иш ўрни", "Ёш адолатчилар", "Ватан келажиги ёшлар қўлида", "Фарзандлари соғлом юрт қурадли бўлур", "Адолат хавфсиз дори дармон учун" каби лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари жойларда ташкил қилинган кичик ишчи гуруҳлар билан биргаликда ҳудудларга ташриф буюрдилар, уларга 20 минг нафардан зиёд сайловчи, шу жумладан, тиббиёт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда партия электорати қамраб олинди.

Шунингдек, "Адолат" СДП фракцияси ҳамда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан апрель ойи — "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" деб эълон қилинди ва бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди.

Фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари жараёнида қарандаш кенг жамоатчилик хабардор қилиб берилди.

Хусусан, фракция фаолияти ҳақида барча турдаги оммавий ахборот воситаларида жами 3 005 мартаба, хусусан, телевидениеда 247 марта, радиода 189 марта, босма нашрлар орқали 118 марта, интернет сайтларида 194 та, ижтимоий тармоқларда 2 257 марта чиқиш қилинди.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифалари орқали ҳам сайловчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда фракция фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиб берилди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 2-13 июнь кунлари "Адолат" СДП ташаббуси билан ўтказилган "Бор меҳримиз сенга болажон!" — бегараз донорлик акцияси юртимиз бўйлаб кенг қўллаб-қувватланган эзгу ташаббуслардан бирига айланди.

Мазкур хайрия тадбири инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, жамиятда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, энг муҳими — бемор болалар ҳаётини сақлаб қолиш каби олийжаноб мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилди.

Дастлаб, пойтахтимизда жойлашган Республика қон қуйиш марказида ташкил этилган акцияда "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Робохон Махмудова ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари — Муҳаммадхон Валиев, Ойдин Абдуллаева, Мақсуд Қурбонбоев, Нодира Жанибекова, Зиявбек Юнусов, Елена Комполшук, Тоҳир Полънов, Бехзод Тўхтамурадов, Эркин Ҳайитов ва Гулнорахон Абдувоҳидовалар фаол иштирок этдилар. Депутатлар шахсан қон топириб, намуна кўрсатишда ҳамда аҳоли ўртасида бегараз донорликнинг аҳамияти, унинг инсон ҳаётини сақлаб қолишдаги ўрни ҳақида фикрлар билдиришди. Улар учун бу нафақат тиббий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда инсонпарварликни тарғиб қилиш имконияти ҳам бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур акция нафақат пойтахтда, балки республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди. Фракция аъзоларидан Манзура Салимова Фаргона вилоятида, Мавлудхон Адхамжонова Андижон вилоятида, Дилрабо Халбоева эса Тошкент вилоятида жойлашган қон қуйиш марказларида бўлиб ўтган акцияларда иштирок этиб, ўз хиссаларини қўшидилар.

Бу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, партиянинг фаол, инсонпарвар ва ижтимоий масъулиятли фаолиятининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Шу билан бирга, акция минглаб партия фаоллари, депутатлар ва кўнгилларини умумий мақсад — бемор болажонлар ҳаёти учун курашда бирлаштирди.

"Бор меҳримиз сенга, болажон!" — бегараз донорлик акциясида жами 3 тонна 736 литр 829 миллиграмм ҳаёт тоғчилари йиғилди. Бу эса 8 мингга яқин бемор болажонларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолиш имконияти яратди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фракция аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, сайловчиларнинг фикрлари, талаблари ва тақлифларини ўрганди. Ўрнатилган самарали мулоқотлар натижасида жамиятдаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал қилиш юзасидан аниқ фикрлар билдирилди.

"Адолат" СДП фракцияси мамлакатимизнинг демократик тараққиётида муҳим роль ўйнаб, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётидаги муаммоларини ҳал қилиш учун зарур ташаббусларни илгари суришда давом этади. Ушбу фаолият нафақат фракциянинг, балки бутун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга замин яратиши мукаррар.



БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ – ПАРТИЯ ЭЪТИБОРИДА

Эътироф

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мамлакатнинг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2025 йилда эълон қилинган "Sustainable Development Report-2025" ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 193 давлат орасида 62-ўринни эгаллади ва Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичи бўйича жаҳон миқёсида эътироф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ



Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси



Озода ПАРПИЙЕВА,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

Ясси оёқлик – оёқ қафтининг табиий ботиғи йўқолиши билан кечадиган паталогик жараён. Бунда қафт сирти тўлиқ ерга тегиб қолади. Натижада юришда оғриқ, чарчоқ ва ҳаракатда ноқулайлик туғилади. Қафт ёйи юрганда зарбани юмшатиб, умуртқани ҳимоя қилишга хизмат қилади. Ясси оёқлик юзага келганида ана шу табиий ҳимоя йўқолиб, умуртқага ортиқча босим тушади.

Скалиоз эса умуртқа поғонасининг одатдаги тикликдан ўнг ёки чап томон оғиши билан характерланади. Бунда асосий аломатлар елқанинг паст-баланд бўлиши, бел ёки бўйиннинг бир томонга эгилиб қолишида кўринади.

Ҳар икки хасталикни даволаш мумкин. Аммо бунда эрта ташхисроғат муҳим аҳамиятга эга. Тажрибали ортопед ва травматолог шифокорлар, педиатрлар жалб этилган учрашуларда ота-оналарга болаларнинг жисмоний ривожланишида аҳамият қаратиш зарур бўлган шу каби жиҳатлар тушунтирилади. Оёққафт ва таянч-ҳаракат тизимида муаммо аниқланган болаларни даволаш, бунда асқотадиган жисмоний машқлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Тиббий кўриқларда эса болажонлар ясси оёқлик ва умуртқа қийшайиши аломатларини барвақт аниқлаш мақсадида профилактик назоратдан ўтказилди. Жараён давлат ва нодавлат муассасаларда бирдай ташкил қилинган лойиҳа аҳамиятини оширди.

Бугунги кунда республикамиздаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларига 2 миллион нафардан ортиқ фарзандларимиз қамраб олинган.

Акция доирасида 17 минг 376 та

муассасада тиббий кўриқлар ўтказилиб, унда 1 миллион 364 минг 940 нафар бола саломатлиги назоратга олингани эътиборга молик. Натижада, 18 минг 243 нафар тарбияланувчида ясси оёқлик аниқланди. Шундан 28,4 фоизи 3 ёшгача, 20,6 фоизи 4 ёшгача, 17,7 фоизи 5 ёшгача, 16,9 фоизи 6 ёшгача, 16,4 фоизи 7 ёшгача болалар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, жараёнда 3607 нафар болада скалиоз хасталигининг дастлабки аломатлари кузатилди. Унинг 51,6 фоизи ўғил болалар, 48,4 фоизи қизалоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Барча ҳолатларда болаларга қўшимча даво чоралари белгиланди. Ота-оналар ва тарбиячилар орқали жисмоний машқлар, ривожлантирувчи машғулотлар режаси тузилди.

Болалар саломатлигига масъулия билан ёндашиш фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамиятнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг умумий бурчидир. "Ёшлар саломатлиги – партия эътиборида" лойиҳаси доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар барвақт ташхис ва профилактика, ҳудудий мулоқотлар ҳамда тиббий кўриқлар орқали болалардаги кўпгина муаммоларнинг олдини олиш имконини яна бир бор исботлади.

Юрт келажаги соғлом фарзандлар қўлида. Шу боис, уларнинг жисмоний ривожланиши, тўғри ҳолда ўсиши, турмушга шай бўлиб камол топиши учун барча даражадаги тизимлар ҳамкорлигида иш юритиши – муҳим вазифа. "Адолат" социал-демократик партияси ушбу йўналишдаги ишларини изчил давом эттиради. Zero, соғлом бола – соғлом авлод, соғлом авлод – муштақам келажақ демекдир.

Лойиҳа

Болаларнинг соғлом ўсиши, жисмоний ва руҳий ривожланиши мамлакатимиз тараққиётининг муҳим кафолати ҳисобланади. "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан амалга оширилган "Болалар саломатлиги – партия эътиборида" лойиҳаси шу жиҳатдан аҳамиятли бўлди. Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилган ойлик бутун республикамизни қамраб олиб, вилоят, туман-шаҳар миқёсидаги давра суҳбатлари, учрашувлар, шунингдек, болажонлар учун тиббий кўриқлар билан самарали ўтди.

Болаларда ясси оёқлик ҳамда умуртқа қийшайиши хасталикларини барвақт аниқлаш лойиҳасининг бош мақсади бўлди. Хўш, бу хасталиклар нимаси билан хавфли?

АГРАР САЛОҲИЯТДАН ТЎЛАҚОНЛИ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлиги — бу фақат етарлиқ маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки унинг сифатли, халқ учун арзон, бозорлар учун экспортбоп бўлиши ҳамдир. Бунинг учун илмий-тадқиқот муассасалари, агроинновациялар ва рақамли агротехнологияларнинг қишлоқ ҳўжалигига фаол татбиқ этиш талаб қилинади.

Ижобий мисол сифатида мамлакатимизда писта, узум, ёнғоқ, сабзавотчилик каби юқори қийматга эга маҳсулотлар етиштириш ҳаммини кўпайтириш бўйича белгиланган йўналишларни кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, вилоятлар кесимида маҳсулловаш асосида агротармоқни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ва фермерларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган чоралар ҳам кўриляпти.

Маълум қилингандек, республикада 5,1 минг гектар иссиқхона мавжуд бўлиб, уларда етиштириладиган маҳсулот ҳажми сўнгги 7 йилда 110 минг тоннадан 546 минг тоннага ошди. Бироқ кредит юки, ўғит ва газ нархи, таъминотдаги узиллишлар туфайли 600 гектардан зиёд майдондаги иссиқхоналар фаоллияти тўхтаган, шундан 128 гектар иссиқхоналар банк балансига ўтган.

Шу сабабли соҳавий йўналишни ривожлантириш 5 та устувор жиҳат бўйича қўллаб-қувватланган бўлди. Жумладан, экспорт мажбуриятини ол-

ган иссиқхоналар қишки мавсумда кафолатли газ билан таъминланади; кўмир ёки бошқа иситиш тизимига ўтганлар газга қайтиш имконига эга бўлади; газ учун тўловлар 50 фоиз бўлади; октябрь-март ойларига белгиланади; иссиқлик насослари технологияларига ўтаётган тадбиркорларга харажатнинг 20 фоизгача қисми қўллаб берилди.

Айтиш жоизки, "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг Сайлов-олди дастурида қишлоқ ҳўжалигини инновацион ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш, табиий хатарларга қарши сурғурта механизмларини жорий қилишни устувор вазифа сифатида белгиланган. Зотан, қишлоқ ҳўжалигини жаҳон талаблари даражасида қайта ислоҳ қилмасдан туриб, бозор шароитида барқарор тараққиётга эришиш мумкин эмас. Бунинг учун эса, аввало, замонавийнинг янги талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳадаги қонунчилик базасини кескин янгилаш зарурати мавжуд.

Демак, берилган топшириқлардан келиб чиқиб, депутатларимиз ва ижро қорпусимиз қишлоқ ҳўжалиги салоҳиятини таҳлил қилиш, ҳоқимият ва тадбиркорлик ҳамжамияти билан аниқ амалий дастурлар ишлаб чиқиш, соҳадаги ҳўқуқий бўшлиқларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштиришда масъул идора ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилишга эътибор қаратади.

МЕВА-САБЗАВОТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ КўПАЙТИРИШДА ЯНГИ ЗАХИРА ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

2025 йил 30 июлда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғинини қозонад.

Бу йил ҳудудларда 16 та замонавий қадоқ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушди. 15 та шундай қорхона ишга туширилади.

Дуққалик экин екиш-йиғиш техникаларига 15% гача субсидия берилди. Кредит ставкасининг 10% дан ошган қисми қўллаб берилди.

16 та туманда сақлаш қадоқлаш саралаш қайта ишлашни ўз ичига олган биттадан замонавий агроремонт ишга туширилади.

Иссиқхона ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида: 1) Ички бозор билан бир қаторда экспортга ҳам маҳсулот етказишга имконият яратишга имконият берилди; 2) Кўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимига ўтган иссиқхоналарга акратилган кредит мuddати узайтирилади; 3) Иссиқлик насослари таъмирлашда ишлатилган иссиқхона ташкил қилганларга харажатларнинг 20% гача қисми, бу кредит ҳисобидан бўлса, кредит ставкасининг 4% қўллаб берилди.

Айланма маблағ етарли бўлиши учун октябрь-март ойларига 50% қилиб белгиланади. Бунда, газ қорхоналари билан 1 октябрдан шартнома имзоланади.

Табиий газдан кўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимига ўтган иссиқхоналарга акратилган кредит мuddати узайтирилади; 200 минг гектарни лазерли текислаш учун 1 минг та техника харид қилиш режалаштирилган.



Экологик барқарорлик йўналишида "Яшил иқтисодиёт" дастури қабул қилиниб, 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш режалаштирилди. Орол денгизи атрофида 1,5 миллион гектар майдонда саксовул экилиди, бу экологик вазиятни яхшилашга ёрдам бериши мумкин. Келгусида бу минтақадаги ўрмонзорлар улуши 2,3 миллион гектарга етказилади. Қолаверса, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида мамлакатда камбағаллик даражаси сезиларли даражада пасайди, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди. Умуман олганда, юқоридаги каби жамият ва аҳолимиз кундалик ҳаётда хис қилиб яшаётган ижобий ўзгаришларга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Шу боис, "Sustainable Development Report 2025" индексидеги юксалиш фақат халқаро тан олинмиш эмас – бу натижалар аҳолининг ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Ҳисоботда таъкидланганидек, ҳали ҳеч бир давлат SDG мақсадларининг барчасини тўлиқ амалга оширмаган. Ўзбекистон ҳам ҳали олинган кўп ишлар турганини, айниқса, экологик барқарорлик, гендер тенглиги, камбағалликни қисқартириш каби соҳаларда янада кенгроқ ислохотларни амалга ошириш зарурлигини илгари суради. Мақсуд натижа Ўзбекистон тўрчи йўл танлаганини, миллий ислохотлар самара бераётганини ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатади.

“Адолат” шарҳи

Янги тизим:

Энди пенсия ўзи келади

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳаётини энгиллаштириш ва давлат хизматларини ҳар бир юрtdошимизга яқин қилишга қаратилгани барчамизга маълум. Ана шундай эзгу мақсадда жорий қилинган янгиликлардан бири — ногиронлик пенсиясини проактив шаклда тайинлаш тизими ҳисобланади.



Ҳиммат ОҚБЎТАЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати

Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 30 июнида қабул қилинган 398-сонли қарорига мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларга энди пенсия автоматик равишда, яъни мурожаатсиз тайинланади. Бу янгилик давлат хизматларида инсон омилни камайитириш, вақт ва ҳаражатларни тежаш, энг муҳими — “инсон қадрини улуғ” тамойилининг амалдаги ифодаси, аҳолига қулайлик яратишда муҳим қадам ҳисобланади.

Қарорга асосан мурожаатсиз пенсия тайинланади. Эндиликда пенсия тайинлаш учун ногиронлиги белгиланган фуқаро махсус ҳужжат тўплаб, пенсия жамғармасига бориши шарт эмас. Маълумотлар тегишли идоралардан электрон тарзда олинади ва фуқаро ўзининг автоматик равишда пенсияга чиққани ҳақида SMS орқали хабар олади. Ахборот тезкор ва аниқларни тежаш, энг муҳими — “инсон қадрини улуғ” тамойилининг амалдаги ифодаси, аҳолига қулайлик яратишда муҳим қадам ҳисобланади.

рақами мавжуд бўлмаса, маълумот почта орқали юборилади. Агар шахсда камида бир йиллик меҳнат стажи мавжуд бўлса, унинг пенсия миқдори ҳар икки йилда автоматик равишда қайта ҳисобланади. Бу иш стажи ортиши билан пенсияни янгилаб бориш ва фуқаро манфаатдорлигини таъминлайдиган одил, узвий ишончга асосланган механизм саналади.

Проактив тизимнинг яна бир муҳим жиҳати — маълум тоифадаги фуқаролар учун компенсация тўловлари ҳам автоматик тайинланиши билан боғлиқ. Масалан, кўриш имконияти чекланган шахслар, радиация таъсирида ишлаганлар ёки махсус ҳимоя талаб қиладиган ҳолатларда давлатнинг ғамхўрлиги проактив хизмат сифатида намоён бўлади. Бу тизимнинг амалий қиймати шундаки, у фуқароларнинг вақт ва ҳаражатларини тежайди, давлат идораларида ортиқча бюрократик тўсиқларни камайтиради, хизматлар сифатини оширади. Бу орқали давлат ва жамият ўртасидаги ишонч янада мустаҳкамланади.

“Адолат” социал-демократик партияси ушбу тизимни юртимизда адолатли ижтимоий ҳимоя сиёсати амалга оширилаётганининг яққол исботи, деб ҳисоблайди. Партия-миз Сайловолди дастурида белгиланган инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлиги, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги устувор таърифлар айнан шундай ташаббусларда ўз ифодасини топиб келаётгани биз адолатчилар учун ғоят қувонарли.

Бир сўз билан айтганда, янги тартиб — ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муҳим қадам. Энди пенсия тайинлаш жараёни компьютер орқали автоматик амалга оширилади, инсон омил аралашувисиз. Бу тизим ахборот технологиялари ёрдамида ишлайди, жавоблар тезкор етказилади. Шу билан бирга, барча жараёнлар очик, шаффоф ва тушунарли бўлади. Шу боисдан ҳам, бу янгиликни мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимоя соҳасидаги катта ютуқ, десак муболага бўлмайд.

Албатта, партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши фаоллари ушбу тизимнинг амалда самарали ишлашини таъминлашга, жойларда аҳолига тушунарли ишларини олиб боришга, депутатлик гуруҳлари орқали мониторинг тизимини жорий этишга доим тайёр. Зеро, ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилиши даркор.

Нуктаи назар

“БИЗ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ!”

тарғиботдан амалий ёрдамгача бўлган йўл

Инсон қадрини ва ҳуқуқини жамиятнинг энг қимматли бойлиги, муқаддас хазинасидир. Афсуски, замонавий дунёда одам савдоси олий зотни тижорат манбаига айлантириб, унинг эркинлиги ва қадрини ноқонуний равишда йўқотишга қаратилган оғир жиноят сифатида кенг тарқалмоқда. Ушбу иллат нафақат инсон ҳаётига таҳдид солмоқда, балки жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатапти. Шу боис, одам савдосига қарши кураш нафақат бир давлатнинг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг биринчи даражали вазифасига айланмоқда.

Собир ТУРСУНОВ,
халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутати, педагогика фанлари доктори, профессор



Одам савдоси глобал муаммо. БМТ ва Халқаро миграция ташкилоти каби муассасалар ҳар йили миллионлаб инсонларнинг мазкур жиноят қурбони бўлишининг олдини олишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жаҳон миқёсидаги статистикага кўра, ҳар йили 2,5 миллиондан ортиқ инсон одам савдоси қурбонига айланади ва бу даҳшатли рақам ичда, айниқса, хотин-қизлар ҳамда болалар катта улушни ташкил этади. Бу глобал муаммо нафақат инсон ҳуқуқларига, балки бутун жамиятнинг барқарорлиги ва тараққиётига жиддий таҳдид солади.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш — давлат сиёсати даражасида устувор йўналиш ҳисобланади. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ва 2019 йилда Президентнинг мазкур соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган фармони мамлакатдаги кураш механизмларини мустаҳкамлади. Республикада идоралараро комиссия фаолияти йўлга қўйилди, жабрланувчиларга ёрдам бериш тизими такомиллаштирилди. Бу борадаги жиноятларда жавобгарлик кучайтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одам савдоси каби гаразли иллатга қарши курашда жамоатчилик ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кундан-кунга кучаймоқда ва бу фаоллик ҳар бир босқичда сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларнинг яққол намунаси сифатида, 30 июль — Халқаро одам савдосига қарши курашиш кўни муносабати билан “Адолат” социал-демократик партияси томонидан бутун республика бўйлаб “Биз одам савдосига қаршимиз” шiori остида ташкил этилган кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ойланини айтиш мумкин.

Ушбу ойллик нафақат инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, балки жамиятда одам савдосининг инсон ҳаёти ва ҳуқуқларига бўлган қаттиқ таъсирлари ҳақида кенг жамоатчиликни оголантиришга хизмат қилди. Шунингдек, тарғибот тадбирлари доирасида жабрланувчиларга кўрсатиладиган ёрдам тизимларини такомиллаштириш, уларни жамиятга қайтариш бўйича янги механизмларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ҳуқуқий тарғибот ойлани замиридаги жамоатчиликни бирлаштириш ва одам савдосига қарши муттасил курашда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масъулият ҳисси сезиларли даражада акс этди. Шу тариқа, “Адолат” СДПнинг бу ташаббуси жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш ва мазкур жиноятга қарши курашда узоқ муддатли ва самарали натижаларга эришиш учун муҳим дастак бўлди.

Ойлик давомида республика бўйлаб маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида ташкил этилган давра суҳбатлари, учрашувлар ва очик мулоқотлар аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар орасида ҳуқуқий билимларни оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ўз навбатида, тадбирлар доирасида ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда ўтказилган меҳнат ярмаркалари жамиятда бандликни таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Бундай чора-тадбирлар одам савдосининг олдини олишда муҳим омил саналувчи ҳуқуқий онг ва ҳушёрликни оширишга ёрдам беради.

Ойлик фақатгина тарғибот тадбирлари билан чекланмади. Жамоатчиликнинг қизиқиши ва эҳтижларини инобатга олган ҳолда, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ ва кенг қамровли жавоблар олиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, “Биз одам савдосига қаршимиз!” тарғибот ойлани доирасида Республика реабилитация марказида одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам бериш масалаларига бағишланган махсус давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Халқаро миграция ташкилоти, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, “Истиқболли авлод” нотижорат ташкилоти каби масъул идоралар иштирокида амалий чоралар иланди.

Бу учрашувда одам савдосининг олдини олишда ҳамкорликнинг янги механизмлари муҳокама қилинди, жабрланувчиларга психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ёшлар ва меҳнат муҳожирлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уларни узлуксиз равишда хабардор қилишнинг самарали усуллари муҳокама қилинди. Бу эса нафақат муаммонинг илдизини кесишга, балки одам савдоси қурбонларининг тез ва самарали реабилитация қилинишига ёрдам бериши кутилмоқда.

Одам савдосига қарши кураш — бу нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, жазо чораларини кучайтириш, балки жамиятни бирлаштириш, одамларга ҳуқуқий маълумот бериш ва жабрланувчиларга комплекс ёрдам кўрсатиш йўлидаги узлуксиз, муттасил ҳаракат. Партияимиз томонидан ўтказилган тарғибот ойлани шундай вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Партия бундан кейин ҳам одам савдосининг ҳар қандай кўринишига муро-сасиз муносабатда бўлиб, ушбу иллатга қарши тизимли ва қатъий чоралар кўришда фаол иштирок этишга ўзини масъул деб ҳисоблайди. Зеро, инсон қадрини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш “Адолат” СДПнинг фаолияти марказида турган асосий тамойиллардан биридир.

Қонун кудрати

ҲАММАГА ШУНДАЙ ПРОКУРОР КЕРАК



Руминия прокурори Лаура Кевеши президентнинг укаси ҳамда бир нечта амалдор қамоққа олинишига сабаб бўлганди. Хўш, мансабдан кетганидан сўнг Лаура Кевешининг ҳоли қандай кечдиди?..

Озми-кўпми, коррупция ҳамма жойда бор. Бу нарсга жамиятга сингиб кетган. Бироқ бу ҳол коррупция билан курашмаслик кераклигини билдирмайди. Курашиш керак, ҳатто зарур ҳам! Фақат ҳамма мамлакатларда ҳам буни удалаш осон эмас.

Масалан, Руминия. Шу ўринда айтиб ўтиш керак: Руминия шундай мамлакатки, бир пайтлар президент саройида тирик товуслар айланиб юрган ва улар мунтазам равишда олтин тосларда чўмилтирилган. Табиийки, у ерда ҳам коррупцияни йўқотиш жуда қийин ишлардан бири бўлган.

2013 йилда Коррупцияга қарши миллий бошқарманинг бош прокурори этиб Лаура Кевеши тайинланди. Кевеши — баскетбол бўйича ўсмирлар терма жамоасининг собиқ аъзоси — ушбу мансабда, беш йил давомида 3 нафар вазир, 6 нафар сенатор, 11 нафар депутат, 47 нафар мэр, 16 нафар судья, 20 нафар давлат идоралари бошлиқлари қамоққа олинишига сабаб бўлди.

Унинг адолатли бошқаруvidан на собиқ прези-

дентнинг укаси, на пойтахт мэри, на вазир ўринбосари омон қолди. Охирида унинг ўзи ҳам истеъфога чиқишига тўғри келди...

Лаура мамлакат газнасига 668 миллион евро миқдоригада маблағни қайтарди. Дарвоқе, қамоққа олинишига Лаура сабабчи бўлган инсонлардан бири уни шу мансабга тайинлаган президентнинг укаси эди. Албатта, собиқ президент эди у.

Кевеши мансабдан кетаётганида мамлакат президенти (укаси қамалган президент эмас) анчагача унинг ишдан бўшаши ҳақидаги қарорни имзолашни рад этиб келди. Бироқ Руминиянинг адлия вазири Конституцион суд орқали Лаура Кевешининг истеъфога кетишига эришди. Одамлар машҳур прокурорни қўлаб-қувватлаш учун кўчаларга чиқди. Бироқ миллионлаб ўхшаш ҳолатлардаги каби, уларнинг фикри шунчаки эътиборсиз қолдирилди.

Лаура Кодруца Кевеши мансабда бўлган беш йил мобайнида одамларга ўз муаммоларига пора-

сиз ечим топиш мумкинлиги ва шундай қилиш кераклигини исботлаб олди. Телефондаги сўзлашувларни эшитиш бўйича айбловларга Кевеши дадиллик билан, тўғри, телефондаги суҳбатлар эшитилмади, фақат, суд ҳукми билан, деб жавоб берарди. Мансабдорлар эса барча ноқонуний ҳаракатлари кузатув остида эканига тайёр бўлишлари талаб этиларди.

Ўз вақтида дадиллик билан иш юритган прокурор хоним, истеъфодан сўнг ҳимоясиз қолди. У бор кучини адолат ўрнатишга сарфлаганига қарамай, бевақт ишдан кетишига тўғри келганди.

Лекин адолатсизлик узоқ ҳўзилмади. Лаура Кевеши нафақат Руминия халқининг, балки бутун Европа аҳлининг ҳурматини қозонган эди. Истеъфодан бир йил ўтиб, у Европа иттифоқининг бош прокурори этиб тайинланди. 22 мамлакатдан 17 таси унинг номзодини қўлаб-қувватлади.

Мана шундай қатъиятли, содиқ, букимас инсонлар кўпаяверсин. Нафақат Руминия ёки Европада, балки бошқа мамлакатларда ҳам.

Сергей РОМАНЕНКО
(Карим Баҳривнинг
Фейсбукдаги саҳифасидан олинди)

УНИ СОҒИНАМИЗ, СУХБАТИНИ ҚЎМСАЙМИЗ

Эссе

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Асад менинг сенсираб гаплашадиган ягона дўстим эди.

Асад билан ўн бир йил бир синфда ўқиган эдик.

Асад билан Тошкентга бирга келган эдик...

Келинг, гапни шундан бошлаш қолай.

Биз 1964 йилда Ургут туманидаги 41-ўрта мактабни битирдик. Синфдошларимиз 27 нафар (23 йилит, 4 қиз) эди. 6 июль кунин аттестатимизни олдик, 9 июль кунин Асад, мен ва яна бир синфдошимиз Жаббор Тошкентга бирага йўлга тушдик. У пайтларда бошқа шаҳарларга қатнайдиغان автобуслар Самарқанднинг қоқ маркази – Регистон майдонидан жўнар эди. Уша ердан бизни менинг Мўминқул акам кузатиб қўйди. Қўнғисифат, тахминан ўн-ўн беш ўринли автобус бўларди. Шу автобусда қишлоғимиздан Самарқанд шаҳрига бир неча марта келган эдик. Тошкентга ҳам шунақа автобус катнар экан. Яна денг, у вақтда Самарқанддан Тошкентга эски йўл (Янгиер, Гулистон орқали) билан келинади, хозирги трасса (халқ тилида бетонка) қурилмаган эди. Қўнғисифат автобус соатига 40-50 километр юрган бўлса керак-да, эрталаб йўлга чиқиб, кун ботарда Тошкентга келганимиз.

Уч азамат автобусдан тушиб, атрофга алангадик, гўё бошқа юртга келиб қолгандай. Троллейбус бекатига бориб, 9-троллейбусга чиқдик. Отамнинг жияни Эшназар ака Чилонзорда, Волгоград кўчасида яшар эди. У киши оиласи билан қишлоққа бориб турир, ўшанда адресини бериб, бориш йўлларини тушутирган эди. Эшназар ака элпигинчи йилларда Тошкентга келган, шу ерда оила қўриб, хайдовчи бўлиб ишларди.

Қош қорайишда уч синфдош узун-қисқа бўлиб Эшназар аканинг уйига кириб бордик. У киши тўрт қаватли уйнинг охири қаватида икки хонали хонадонда яшар экан. Оилада беш жон – эр-хотин, икки ўғил, бир қиз – шу торгина уйда тураркан. Ўзбекининг уйи тор бўлса ҳам кўнгли кенг бўлади. Эшназар ака, хотини Мактаб янча уч азаматни очик ҳеҳра билан кутиб олишди. Дарҳол дастурхон ёзиб, олинлар, узоқ йўлда оч қолгандирсизлар, деб илтифот қўраттишди. Холбуки, улар шерикларинини танимайдик. Чунки Асад кўшни Қоратепи қишлоғидан, Жаббор эса тўғи тағидаги узоқ Зинак қишлоғидан. Мен уларни таништирдим. Эшназар ака ҳам, Мактаб янча ҳам бунга эътибор бермади, “сен билан келган бўлса, демек, журналистнинг-да” деди бепарво...

Эртаси кунни қайдасан, ТошДУ деб, шаҳар кездик. У вақтда ТошДУ (хозирги ЎЗМУ) хозир Тошкент давлат юридик университети жойлашган тарихий бинода экан. Сўраб-суриштириб Тошкент давлат университетини топиб бордик. Асад билан мен журналист бўлиш ниятида эдик, шу боис журналистика факультетига ҳужжат қабул қилинадиган жойни қидирдик. Ундан-бундан сўраб билдикки, журналистика алоҳида факультет эмас, балки филология факультетида бир бўлим экан.

Қабул комиссиясига учрадик. У ерда ўтирган рус аёл папкамини очиб-очмай 286-форма қани, деди. Мана-ку, десак, йўқ, бу бўлмайдик, шу ердан ўтасанлар, деди совук оҳангда. У эшикда навбат, бу эшикда навбат. Қисқаса, бир ҳафталарда ҳужжатларни тахладик.

Ҳужжат қабул қилувчи аёл ўз ишининг роса устаси экан. Ҳужжатларнинг ҳар бирини синчилаб қўрди, бу жараёнда дамба-дам озимга термулади. Айниқса, расмини кўраётганда менга узоқ тикилди. Хуллас, мен ҳужжатларини топишди. Навбат Асадга келди. Қабул қилувчинининг папкасини очиб, эринмай, шовилмай барча ҳужжатларни бирма-бир, қайта-қайта кўрди. Сўнг Асадга қаради: “Аттестатинг қани?” деди. “Ичида” деди Асад. Аёл кинояли кўлди: “Нимани ичида? Кўз олдинда бирма-бир қўрдим, йўқ-ку, бошқа ҳамма ҳужжат бор, жойида, аммо аттестат йўқ. Аттестатсиз ҳужжат қабул қилинмайди”. Шундай деб, қозғоқ папкани Асадга тутқазди. Асаднинг кўзлари пир-пирлади, бир менга, бир қабул қилувчига қаради. “Жойини бўшат, бошқаларга халақит берма”, деди-да, орқамизда турган ўзимизга ўша қозғоқ папка қўлтиқлаган йигитни чақирди: “Қани, сен кел-чи...”

Иккаламиз шалвираб кўчага чиқдик. Асад ҳам, мен ҳам ўз хаёлимиз билан банд эдик. “Энди нима қилади? Қаерда йўқотган бўлиши мумкин? Ёки қишлоққа қилиб кетганимкин?” Шу хаёл билан Асадга юзландим. “Йўқ, олиб келганман... Кеча бир сира қўриб чиққан эдим ҳужжатларини, бор эди”.

Аттестатни қидириб қайси эшикларга кирмадик. Қимларга ўқашмадик. Сарсон-саргардонликнинг чеки-чегараси йўқ, аммо натижа ҳам йўқ эди.

Уша дамларни Асад кейинчалик “Бўсага” деган эссесидида қуйидагича тасвирлаган эди: “Тақдирни қаранг: Ҳозирги

Амир Темур хиёбонини кезиб юра-юра беҳисоб заҳматлар эвазига эришганим аттестатни арзимас парча қозғоқ каби тушириб қўйибман. О, уша лаҳзадаги ҳоли харобимни кўринг: бўғимеа пушаймон билан қоршиқ захру заққум ўқирқи тикилади-ю, қаники зигирча сут айласа!”

Охири аттестат топилишидан умид эдик. Асад қишлоққа қайтиб кетди. Сўраганларга “Маматқулнинг қолхоз дафтари бор экан, ҳужжатларини қабул қилди, менда қолхоз дафтари бўлмагани учун қабул қилмади” дейишга келишди. Аттестатни йўқотдим дейишга юз чидайдимми?!

Дарвоқе, Жаббор дўстимиз қайси институтга борди, ҳужжат топширди-ми-йўқми – ҳозир эсимда йўқ, бир нарсани аниқки, у бир ҳафта-ўн кунларда қишлоққа қайтиб кетди. Кейинги йили Самарқанд давлат университетига қайтиб кирди.

...Куз кунларининг бирида Асадни мактабга чақирдишди. Бу ҳақда унинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилган эди: “Мактабга борсам директорнинг хонасига кир, дейишди. Кирсам директоримиз Усмон Бурхонов беш-олти ўқитувчи билан ўтирган экан. Салом-алиқдан кейин Бурхонов “аттестатинг қани?” деди. Юрагим шувиллаб кетди. Бир зум нима дейишни билмай қолдим. У киши олдимга бир парча қозғоқни қўйди-да, ўки, деди. Кўзларим жимирлаб ўқидим. Шундай сўзлар битилган эди: “Самарқанд область, Ургут районидидаги 41-ўрта мактаб директорига! Ўқувчиларингизга тайинланг, ҳужжатларини эҳтиёт қилиб юрсин. Сизнинг ўқувчингиз Дилмуродов Асаднинг аттестати ТошДУ ховлисидан топиб олинди...” У ёғини ўқий олмадим. Юрагим гул-гул уриб, томоғимга бир нарсани тикилди, назаримда, кўзим ёшланди. Бошимни кўтара олмайдим. Оғир сукунат чўкди. Бурхонов жуда оғир-вазмин, мулоҳазали, бағрикенг инсон эди.

– Тушунаримми? – деди сукунатни бузиб. – Кичкина боламассан-ку. Сен ҳам, Маматқул ҳам олтинчи-еттинчи синфда пайтларингдан газеталарга мақолалар ёзиб юрасилар. Сизлардан умидимиз катта. – Олдимга аттестатимни кўйдим. – Бу воқеа сенга бир умрлик сабоқ бўлсин. Буёғига эҳтиёт бўл. Яхшиям инсофли, имонли одам топиб олипти... Тушундингми? – Унинг гапиришида заррача қойиш, дўқ-пўлиса, таъна йўқ эди, оталарча меҳрибонлик билан, мулойим оҳангда тушутирди. Уша топда ер ёрилмадики, ерга кирсам. Яна кимсан, журналист бўлар экан... Тилим қалимага келмайди, бош иргайман, холос. Бошқа ўқитувчиларнинг ҳам бирортаси бир оғиз гапирмади. Бир-бирига қараб, жилмайиб туришарди.

Директор хонасидан қўлимда аттестат билан бир замбил лой бўлиб чиқдим. Уч-тўрт ой илгари битирув аттестатини қўлдан олганим билан хозирги куним ер билан осмонча фарқ қиларди. Июль ойида аттестат олганимда қанчалар қувонган бўлсам ҳозир қувончим ундан-да зиёда эди. Шу билан бирга уят ҳисси елкамни зилдай босарди. Уйга томон бир-бир босиб борар эканман, ийгидан ўзимни тилмаман, айнаи чоғда отамга қандай тушутираман, деган хаёл миямни пармадек ўрди...

Асаднинг муқтақил ҳаёти ана шундай қутилмаган саргузаштлар билан бошланган эди. У кейинги йил ТошДУга ўқишга кирди... Асад Дилмуродов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У туман, вилоят, республика газеталари, журналлар тахририятида, нашриётда, кинокомпанияда турли лавозимларда ишлади, бир неча йил ўз даврида республиканинг бош наشري ҳисобланган “Совет Ўзбекистони” газетасининг Самарқанд вилояти бўйича махсус муҳбири сифатида фаолият кўрсатди. Уша йилларда долзарб муаммолар кўтарилган мақолалари эълон қилинди. Уларнинг бирига раҳмат эшитган бўлса, бошқаси учун даки еди. Қандай ҳолат бўлмасин, ўз йўлидан, эътиқоди ва принциплардан қайтмади у.

Асад журналистлик фаолияти билан ёзувчиликни баравар олиб борди. Аникроғи, ўзида ёзувчиликка мойиллик кучли эканини сезди ва асосий вақтини, истеъдодини шунга бағишлади. У вилоят муҳбири бўлиб ишлаб юрган кезларида кўпроқ тарихий мавзуларда мақолалар ёзди. Шу боис унинг асарият ҳикоялари, хусусан, романлари тарихий мавзуда. “Афросиёб”, “Гирх”, “Мезон буржи”, “Аланкува”, “Оқ аждар сайраси” каби ҳикоя ва қиссалари, Маҳмуд Тороби, пахлаван Мухаммад ҳақидаги романлари бунга ёрқин мисоллар.

Мен Асаднинг бадий асарлари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, ёзувчи маҳорати хусусида фикр юритмоқчи эмасман. Булар ҳақида адабиётшунослар ёзишган ва ўйлайманки, Асад Дилмуродов ижоди



ҳали кенг тадқиқ қилинади. Фақат бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, замонавий ўзбек адабиётида Асад Дилмуродовнинг ўз ўрни, ўз овози бор. Унинг ҳикоялари, айниқса, тарихий мавзудаги қисса ва романлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олади. Бинобарин, Асад адабиётга, журналистикага виждон иши, деб қарар, эътилоётган асар, ҳатто мақола ҳам, ҳажми ва жанридан қатъий назар, ўқувчига нимадир бериши, уни ўйлашга, фикрлашга ундаши лозим, деган нуқтаи назар билан ёндашар эди. У ўзини қийнаб ишларди, ҳар бир жумла, ҳар бир сўзга масъулият билан қарар, лугат титқиллашдан эринмасди. Асаднинг “Фано даштидаги қуш”, “Хаёл чўлғаниши”, “Ранг ва меҳвар”, “Маҳмуд Тороби”, “Пахлаван Мухаммад”, “Хилват” каби китобларини ўқиган киши бунга амин бўлади.

Иттифоқ даврида Ялта, Пицунда, Дубулга, Перелепкина, Малаевка деган жойларда ёзувчиларнинг ижод уйлари бўларди. Ёзувчилар уюшмасининг “Литфонд” деган ташкилоти бўлиб, адибларга ўша ижод уйларида бориб дам олиши ва ишлаши учун йўлнамалар беради (муддат 24 кун эди). Асад билан Пицундага бир неча марта борган эдик. Ушанда гувоҳ бўлганман унинг ижода қақадар масъулият билан қараганини. Аксарият ёзувчилар, улар иттифоқнинг турли республикаларидан, шунингдек, хорижий мамлакатлардан келишарди, асосий вақтини Қора дегизда чўмилиш, сайр қилиш, теннис, биллиард, шахмат ўйнаш билан ўтказар, Асад эса хонага қамалиб олиб ижод билан машғул бўларди.

Бир воқеа эсимда қолган. Асад билан Пицунда ижод уйида дам олаётган эдик. Бир кун катта ошхонада овқатланиб ўтирсак, олдимизга бир негр ёзувчиси рафиқаси билан келди-да, бизга таъзим қила бошлади. Ҳамма бизга қарайди, биз эса гап нимада эканини тушунмай ҳайронлик билан қараётган эдик. Ўзбекилимизни биллиб қолди, раҳмат айтаётган экан. Ижод уйидан кетганимизча у бизни қаерда кўрса таъзим қилиб юрди.

Шунда биз Сарвар Азимовнинг юксак дипломатик маҳоратига, қамрови кенг раҳбарлигига, юзаси қараганда арзимас гапдай кўринган, аммо алоҳида эътибор талаб қиладиган ишлар орқали Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси оғурий ва нуфузини кўтарганига қойил қолдик. Чунки шу биргина мисол туфайли ўша ерда дам олаётган турли республикалардан келган юзлаб адиблар бизни таниди, Ўзбекистондан эканлигини билди. Ва шу воқеа сабаб кўллаб ёзувчилар билан танишиб олдик. Жумладан, таникли озарбойжон ёзувчиси Жалол Баргушад билан қадрдон бўлиб қолдик. У ҳам тарихий мавзуда романлар ёзгани учун Асад билан тез тил топишди. Жалол Баргушад озарбойжонларнинг тарихий ҳақрамони Бобак ҳақидаги “Суғурилган қилч” романини тухта қилди. Кейинчалик билдикки, ўшанда боғия негр ёзувчиси (афсуски, қайси мамлакатдан келгани, исм-фамилияси ёдимдан кўтарилган) фақат иттифоқ ёзувчилар уюшмаси правленисининг биринчи секретари Георгий Марков ва Сарвар Азимовдан табрик телеграммаси келган экан...

Асад укаларига, сингилларига (у оилада тўнчи фарзанд эди) жуда меҳрибон, улардан ёрдамни аямас эди. Айни чоғда укалари ҳам, айниқса, кичик укаси Неъмат унга меҳрибон эди. Ҳар йили Асаднинг туғилган кунинда Тошкентга келарди. Қайсидир йили Асад китоби масаласи бўйича Москвада юрганда Неъмат унинг орқасидан бориб, акасини туғилган кунини табриклаган. Холбуки, Москвадаги нашриёт ходимлари инжиқликларидан ранжиб юрган Асаднинг туғилган кунини ҳам ёдидан кўтарилган, шу боис

меҳмонхонада хаёл суриб ётганида эшик шарт очилиб, укаси Неъмат кириб келганда тушимми-ўнгимми, деб ҳайрон қолгани рост.

Ҳаёт ҳар доим бирдай силлиқ кеча-вермайди. Инсоннинг бошига турли савдолар тушиши мумкин ва бундан ҳеч ким кафолатланмаган. Асад ҳам турли синовларни бошидан кечирди. Ота-онасидан айрилди, айниқса, аввал Исмаи укаси, бир неча йил ўтиб Неъмат укаси вафот этгани Асадни кўп қайғуга солди. Бошқа ташвишлар ҳам бўлди. Ўзи бир неча марта турли операциялар столига ётди. Асаднинг иродаси кучли эди. Бу ташвишларнинг бирортасини бировга билдирмади, ҳеч кимга нолимади, ҳеч нарсга бўлмагандай тутди ўзини, дардини қозғога тўқди – ижод қилди. Одамлар орасида одатдагидай жилмайиб юрди. Шу боис унинг ташвишларидан хабар тоналар ҳам “нима бўлди” деб сўрашга журъат этмади.

Ҳа, унинг кичик жуссаси керак бўлганда тоғдай юки кўтарди. Бу борада унга садоқатли умр йўлдоши Мавжудахон мададор бўлди.

Шу ўринда Мавжудахон ҳақида икки оғиз гапирмасак инсофдан бўлмас. Зеро, ҳар қандай ижодкорнинг ижодий ютуқларида умр йўлдошининг ўрни беқийёс. Асад билан Мавжуда эллик йил бирга яшарди. Шу ярим аср давомида улар яхши-ёмон кунларни бирга ўтказди. Беш фарзандни (икки ўғил, уч қиз) воёга етказиб, уй-жойли қилди. Кейин бир неча неваралари, ҳатто эваралари тўйини кўрди. Шунинг ўзи катта бахт, албатта. Аммо ана шу бахтга эришиш осон кечгани йўқ. Аввал Самарқандда, кейин Тошкентдаги саргардонлик, уй-жой муаммолари, қўнғисифат, ҳар қандай иродаси кучли одамнинг ҳам эзиб юборадиган турмуш ташвишларини бошқалар катори бо оила ҳам бошидан ўтказди. Шундай мураккаб пайтларда ҳам Мавжуда баъзи аёлларга ўшаб нолимади, ақинча, Асадга далда берди, зарур бўлганда рўзгор бутлигига ҳисса қўиши чораларини кўрди.

Менинг назаримда Мавжуда Асаддан ҳам иродалироқ кўринади. Қачон қараманг қулиб туради. Уни қўрган одамнинг кайфияти кўтарилади. 2019 йил январь ойида Асад автохалокатга учради. У кўчани кесиб ўтаётганда машина уриб кетган. Мия чайқалган, бир неча қовурга, оёқ синган. Қўрган борганимизда ўзини билмас эди. Афсуски, шу ҳолига кетди, қайта ўнганмади. Бу Мавжуда учун катта йўқотиш эди. Бу жогадан Мавжуда ўзига қўлиб улгурмай унинг бошига яна бир оғир мусибат тушди. Уша йили кузга бориб катта ўғли Хусан оламдан ўтди. Фарзанд доғини ҳеч кимга кўрсатмасин. Орадан кўп ўтмай Мавжуданинг ўзи шифохонага тушди, операция бўлди. Хабар олгани борсак, қулиб, ҳазил-хузил қилиб ётипти. Ёнида қизи Нилуфар.

Инсон ҳамма нарсаси кўникар экан. Турмуш ўртоғи ва ўғлидан айрилиш азобини, боз устига беморлик дардини чекиб ётган Мавжуда яна бир оғир синовга дуч келди. Ё Оллоҳ, бу дардлар етмагандай 2021 йил февралда кичик ўғли Тоҳир коронавирусдан вафот этди. Икки йил ичида Мавжуда турмуш ўртоғидан, айки ўғлидан айрилди. Ҳеч кимнинг бошига солмасин бундай қурғиликни! Дард берган шифосини ҳам беради деганларидек, ташвиш, синов юборган Оллоҳ солиқ бандаларига сабр-бардош ҳам берад экан. Тоҳир вафотидан кейин фотиҳага бориб, Мавжуда билан суҳбатлашганимда бунга амин бўлдим. Унга таскин-далда бераману ўзим базўр гапираман, томоғимга нимадир тикилгандай овозим хаста чиқади. Сал шамоллаган эдим, дейман баҳона қилиб. Оллоҳдан Мавжудага сабри жамил тиладим, ўзига, қиларига, қувларига келинларига, неваро эвараларига узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаб, дуо қилдик...

Асад гоят камтар, камсуқум эди. Ўзини кўз-кўз қилишни, ижоди билан мақтаннишни хушламасди. Афсуски, бизнинг замонамизда ҳақиқий қамтарлик фазилатдан кўра қусурга айланиб бораётганга ўхшайди.

Менинг сенсираб гаплашадиган ягона дўстим Асад Дилмуродов умрининг охиригача ўзгилгани йўқотмади, қайси жойда, қанақа лавозимда ишлаганини ўзини ўзгартирмади. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз у беғубор, очик кўнгли бўлган эди. Уми давомида шу фазилатини йўқотмади. Ундан йигирмадан зиёд китоблар қолди. Қисса ва ҳикоялари рус тилида Москвада катта тираждо нашр этилди. Асарлари рус, украин, қозоқ, тожик, турк, уйғур тилларига таржима қилинган. Лекин Асад бу ҳақда ҳеч кимга мақтангани, айрини ҳамкасбарларимиз сингари оламага жар солгани йўқ.

Ўзи ҳаётда қандай сокин, вазмин бўлса, асарлари ҳам шундай сокин, салмоқли эди. Унинг ҳаёт ва ижод услуби шунақа эди-да.

Дарвоқе, Асад Дилмуродов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими ўнвони билан тақдирланган эди. Шу хушхабарни эшитиб қўтлагани борганимизда ўзига хос жилмайиб билан “бизнинг ишимиз ёзиш, у ёғини мутасаддилар ўзлари билишади, раҳмат” деган эди камтарлик билан.

Асаднинг кенжа фарзанди Нилуфар филология соҳасини танлади. Яқинда отасининг ижоди бўйича илмий ишини ҳимоя қилди. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлди.

Ва ниҳоят, Асад истеъдодли адиб бўлиши билан бир қаторда гоят дилкаш суҳбатдош, беназир ўлфат эди. Бузо – унинг дўстлари Асаднинг суҳбатига тўймас эдик... Ҳамон уни соғинамиз, дилтортар суҳбатларини қўйсаямиз... Оллоҳ охиратини обод қилсин. Омин!

ЭЪЛОН Тошкент давлат юридик университетининг мақсадли капитал (Endowment Fund) жамоат фондининг 2024 йил бўйича фаолияти юзасидан ҲИСОБОТ

Тошкент давлат юридик университетининг мақсадли капитал (Endowment Fund) жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ШП-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ ташкил этилган.

Фонд жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулк қий бадаллар қўиши асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни қўлайдиган, аъзолиги бўлмаган ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат фонди бўлган нодавлат ношарикат ташкилотдир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатга олинган, рўйхат рақами 983. Фонднинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): 100047, Тошкент шаҳар, Юнусовоқ тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

Фонд ўз фаолиятини ошқоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқчилик, ихтиёрийлик тамойиллари асосида юритади.

Фонд фаолиятининг асосий мақсади Тошкент давлат юридик университетининг ходимлари ва талабаларини дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда халқаро ташкилотларида малака ошириши ва таълим олишини, стажировка ўташини ташкил этиш, турли грантлар ажратиш, талаба ва ходимларни ҳар томонлама моддий рағбатлантириш, эҳтиёжманд ҳамда иқтидорли талаба ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмаклашишдан иборат.

Ташкилий тузилма

Бошқарув кенгаши Фонднинг ижро органи ҳисобланиб, беш нафар аъзоларидан, шу жумладан, Бошқарув раисидан иборат. Фонд фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Фонднинг Васийлик кенгаши сайланган. Фонднинг молиявий фаолиятини ҳамда унинг пул маблағлари тўғри сарфланиши ва мол-мулкидан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш учун уч кишидан иборат таркибда Фонд тафтиш комиссияси тузилган.

2024 йилда ходимлар сони 2 нафари ташкил этди.

Йил давомида 5 нафар ходим қабул қилинди.

Йил охирига келиб ходимлар сони 7 кишини ташкил этди, шундан 5 нафари ташки ўриндошлар ҳисобланади.

Молиявий фаолият

Жамғарманинг 2024 йил учун мақсадли харажатлари 887 016 674,72 сўмни ташкил этди.

жумладан:

иш ҳақи тўловлари – 96 600 000,00 сўм;
талабаларга мукофотлар – 26 463 327,00 сўм;
давлат мақсадли жамғармаларига ва сугурта бўйича тўловлар – 14 767 599,00 сўм;

талабаларнинг хизмат сафари харажатлари – 32 234 024,00 сўм;
тренинг ўтказиш харажатлари – 434 717 379,77 сўм;
мақсадли тадбирларни ўтказиш харажатлари – 244 391 270,00 сўм;

йиллик молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш хизматлари учун харажатлар – 3 500 000,00 сўм;
жамғарма фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни нашр этиш харажатлари – 3 190 080 сўм;

асосий воситаларни харид қилиш харажатлари – 13 729 000,00 сўм;

банк хизматлари учун харажатлар – 2 600 910,4 сўм;

бошқа харажатлар – 1 267 827,44 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунига кўра, “Endowment Fund” мақсадли капитал жамоат фонди 2024 йил июлдан бошлаб асосий фаолияти билан бир қаторда устав мақсадларига мос келадиган чакана савдо кўринишидаги тадбиркорлик фаолиятини ҳам амалга оширади. Солиқ солиш мақсадида даромадлар ва харажатларнинг алоҳида ҳисоб юритилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

2024 йилда товарларни сотишдан олинган соф тушум 47 724 107,89 сўмни ташкил этди;

Сотиш суммасидан мукофот тарзидаги даромад 13 107 701,44 сўмни ташкил этди;

Бошқа даромадлар (ўкув дастури) 50 000 000,00 сўмни ташкил этди.

Фонд кўринишидаги даромад 42 127 397,27 сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлик фаолияти харажатлари қуйидагилардан иборат бўлди:

асосий воситаларни сотиб олиш – 45 050 678,57 сўм;

асосий воситалар амортизацияси – 4 210 425,03 сўм;

қайта сотиш учун харид қилинган товарлар – 473 985 171,42 сўм;

сотилган товарларнинг таннархи – 33 925 383,78 сўм;

меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – 230 349 200,00 сўм, шу жумладан: танлов ғолибларига бериладиган пул мукофоти суммаси – 46 500 000,00 сўм;

Бугуннинг гапи

ҚАЛАМ ҚАДРИ...

Уни оёқ ости қилишга ҳаққингиз йўқ!

Ўзбекистонда ахборот олиш, тарқатиш усуллари кейинги йилларда ўзгарди. Энди газета-журналлар эрта тонгданок севимли меҳмондек хонадонларга кириб бормайди, одамлар нонуштада газета варақлаб, тамадди қилмайди. Киоскалар қаршисида янги газета учун узун навбатлар ҳам йўқ.

Аммо барибир ҳалол, пок Сўзга эҳтиёж бор. Зеро, Янги Ўзбекистонда умуминсоният эътироф этган қадриятлар буй кўрсатапти. Албатта, бу юрда чин матбуот, ҳақиқий журналистика устувор бўлади.

Бадий-публицистик адабиётлар ўқисам, ижодий учрашувларга бориб қолсам, олам-олам таассуротлар оламан. Яқинда ёзувчи Ҳаким Сатторийнинг “Буюк ростлик жангчиси” номли китобини мутолаа қилар эканман, ўтган асрнинг 90-йилларида “Туркистон” деб номланган газетанинг фидойи ижодкорлари қилган буюк ишлар кўз олдимдан ўта бошлади.

Бугунги суҳбатдошимиз – бундан қирқ йил аввал ана шундай журналистлар сафида фаолият юритган ижодкор, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Тўхтамурод Ҳасанбоев.

– Тўхтамурод ака, суҳбатни газетадан, журналистика касбидан бошласак.

– Айримлар, “Мухбирлик ҳам иш бўлгани, тўртта жумла тузиш қўлингдан келса, газета чиқиб кетаверади-да!” деб мулоҳаза қиладилар. Бу мутлақо нотўғри фикр. Тахририят – муқаддас даргоҳ. Жавобим балки айримларга баландпарвоз гапдек туюлар. Лекин шу нарса аниқки, журналистикани мукамал ўрганиб, яхши қаламқаш бўламан деган одамга соҳага оид қонун-қоидаларни концепт дафтарга қоралаб қўйишнинг ўзи камлик қилади. Ҳақиқий мутахассис бўламан деган одам журналистиканинг қонун-қоидаларини юракка ёзади. Ана шунда ўзиям юракдан ижод қилади. Юракдан ёзилган асаргина юракка етиб боради. Ва ижод олами Сизни шундай сеҳрлаб қўядики... Бу сеҳр сизни шунчаки ишлашга қўймайди. Журналистика – бу отилган ўқ дегани. Бу – ижод майдонига қадам қўйдингми, орта йул йўқ, деганидир. Бу йулда машаққатлар кўп. Аммо раҳматиям заҳматига яраша.

– “Буюк ростлик жангчиси” китобини ўқиб, очиги, сизларга ҳавасим келди. Қарангки, бундан 35 йил аввал ёзган битта мақолан-

гиз ортидан қилинган яхшиликлар учун одамлардан ҳанузгача раҳмат олясизлар. Мен буни суҳбатимиз аввалида айтганимиз – “Ҳақиқий мутахассис бўламан деган одам журналистиканинг қонун-қоидаларини юракка ёзади” деган гапларнинг амалдаги исботи, деб тушундим. Айтинг-чи, ҳозирги нашрлар сизни қониқтирадими?

– Бир мисол атай. Ўтган асрнинг 80-йилларида ёшлар газетаси тахририятига кираверишда бир шир бўлар эди: “Бу даргоҳдан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмади чиқиб кетмасин”, деган. Уша пайтларда “Туркистон” газетаси собиқ Иттифоқнинг ўн бешта республикаси бўйлаб тарқаладиган “Комсомольская правда” билан, “Муштум” журнали эса “Крокодил” билан беллаша оладиган даражада чоп этилган десам, айримлар, ҳа энди, ўзи ишлаган нашрларни мақтайпти-да, дейиши мумкин. Аммо бу ҳақиқат. Агар ихтиёр менда бўлса, ҳозир барча тахририятларга, айниқса, эл-юрт ва жамият равнақи йўлида ярим қоғоз танқидий-таҳлилий фикр ёки аңқоннинг уруғига айланган жанр – фельетон бера олмай қолган тахририятлар эшигига, журналистика факультетининг энг кўринари жойига

“Ҳаёт қисқа. Шундай экан, сен номрлар олдида ҳеч қачон титраб-қақшама!” деган ширни илиб қўйган бўлар эдим.

– Танқиднинг камлиги рост. Балки бунга айрим тахририятларнинг обуна ҳисобига купина корхона-ташкilotлардан “тили қисқ” бўлиб қолаётганлиги сабаб бўлаётгандир. Реклама-эълонлар уюштирилмаса, тахририятларнинг моддий аҳволини кўрясиз...

– Сир эмас, кейинги пайтларда баъзи бош муҳаррирлар учун қалами ўткир, тажрибали ижодкорлардан қўра, тижорат мақола-лар, реклама ташкиллаштиришга уста “даллол”ларнинг “мартабаси улуроқ” бўлиб қоляпти. Кўпқари деган ҳақиқий эр йигитлар беллашувини биласиз. Унда ўзи ҳам, остидаги аргумоғи ҳам энг чаққон, энг кучли чавандоз ғолиб бўлади. Қўрашда ҳам рақибдан кўли баланд келган паҳлавон ўзбаки тўнни бир четини қайриб, давра айланади. Мухлислари уни юракдан олқийлайди. Бундай ўғлонлар билан фахрланишади. Оиласида фарзанд туғилса, ҳавас қилиб унинг исми билан атайди. Лекин шу нарса аниқки, дилига улуроқ мақсадларни жо қилиб фидоийлик билан ишлайдиган ижодкор энг таниқли полвонлардан ҳам, чавандоз-у санъаткорлардан ҳам юқори довлонларни забт этишга қодир. Мен туппа-тузук қалами бор-у, лекин “шу корхонага борсам, реклама учун шунча пул кўчириб беради, ундан менга шунча мукофот чиқади”, деб фақат моддий муаммолар билан ўралашиб қолган, мана шундай майда-чуйда мақсадларини амалга ошириш учун қаёқдаги “қурси бандаси”дан “фаришта” ясайдиган ҳамкасбларимизни ҳеч қачон ёқмайман. Ҳаёт – бу доимо бой ва яхши яшайдан иборат эмас. У бир юзинингилас, иккинчи юзинга кутилмаганда тарсаки уриши мумкин. Биз эса ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимизни, ўзгилгимизни йўқотмасли-

гимиз керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам қалам қадрини оёқ ости қилишга ҳаққимиз йўқ.

Шифокорнинг хато қилишга ҳаққи йўқ, дейишади. Чунки унинг хатоси билан бир инсон ҳаёт билан видолашиши мумкин. Лекин журналистнинг хатоси ундан минг чандон фожеали. Негаки, журналистнинг укувсизлиги бир инсон эмас, бутун бир жамият янги ҳар ёқасига етаклаши мумкин.

– Тўхтамурод ака, ёш журналистларга нималарни тилаган бўлар эдингиз?

– Болалигимда бовим раҳматлининг энг яхши кўрган невараси ва яна хабар ташувчиси (бўлажак муҳбирман-да) бўлган эдим. Уша пайтларда ферманнинг сут ташувчи машинасини минадиган кўшнимиз бўлар эди. Бир куни сутчи амаки машинанинг филдек бочка идишдан бир пақир сутни олиб, ўрнига шунча сув қўшганини кўриб қолдим ва... “хизматчилик” юзасидан шу заҳотиёқ бовимга етказдим. Онамнинг оналари эса шартта ўринларидан туриб, “Вой, эссиз-а, вой йигитгина қурмағур сўроқ-жавобга қопти-я!” деб роса хуноб бўлгандилар ва бизга оқликка хиёнат қилиш кечириб бўлмас гуноҳлигини роса уқтирган эдилар.

Мен ижод аҳлидан, айниқса, сафимизга кириб келаётган ёшларимиздан бир нарсани унутмасликларини илтимос қилар эдим: қалам ва қоғозни фақат покиза ниёт билан қўлга олайлик. Қоғознинг ҳам ранги оқ бўлади. Оқликка хиёнат қилишнинг эса охиратда ҳисоби оғир бўлади. Болаликда ота-боболаримиз, оқила момоларимиз яна бир нарсани – ноннинг урвоғи ҳам нон, уни увол қилганининг кўзи кўр бўлади, деб уқтиришган.

Оқ қоғознинг ҳам уволи бор. Огоҳ бўлайлик, унинг уволи кўзни эмас, қалбни ҳам кўр қилади.

Малохат МАЪСУДУҲЖАЕВА
суҳбатлашди

Қадрият

“АДОЛАТЛИ ПУЛЛАР” НОМИНИ ОЛГАН ТАНГАЛАР

- ✓ МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИДАГИ ТАНГАЛАР НЕГА “АДОЛАТЛИ ПУЛЛАР” ДЕБ НОМЛАНГАН?
- ✓ УЛУҒБЕК ТАНГАЛАРИНИНГ БИТИКЛАРИ ҚАЙСИ ТИЛДА ЁЗИЛГАН ВА БУНИНГ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТИ БОР?
- ✓ 2023 ЙИЛДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТАНГАЛАРИ ҚАЕРДАН ТОПИЛГАН ВА УЛАР ҚАНДАЙ ТАҚДИРГА УЧРАГАН?

Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази экспозициясининг нумизматикага ажратилган қисмидан Темурийлар даври тангалари ҳам ўрин олади.



Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек (1394–1449) йирқи давлат арбоби, тарихчи ва алоома бўлиши баробарида, ислоҳотчи сифатида ҳам катта из қолдирган шахсдир. У Самарқанд ҳукмдори сифатида қирқ йилдан ошиқ вақт давомида катта давлатни бошқарган.

Мирзо Улуғбек даврида иқтисодий ислоҳотлар олиб борилиб, тангаларнинг вазни, сифати ва қиймати оширилди. Унинг номидан зарб қилинган мис тангалар аввалиги пулларга нисбатан сифатли, оғир ва тоза бўлгани учун халқ орасида “фалуи аддия” – “адолатли пуллар” номи билан машҳур бўлган.

Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек номидан зарб этилган мис, қумуш ва олтин тангалар нафақат Ўзбекистонда, балки дунё музейлари ва хусусий коллекцияларда ҳам сақланмоқда. 2023 йил март ойда Сурхондарё вилояти Сарисие туманидан оқиб ўтувчи Тўпаланг дарёси соҳилдан Мирзо Улуғбек даврига оид 500 дан зиёд танга топилгани эса бу тарихий меросга бўлган қизиқишни янада оширган. Тангалар тегишли мутахассислар томонидан ўрганилиб, Термиз Археология музейига топширилган.

Мирзо Улуғбек тангаларининг муҳим жиҳатларидан бири – улардаги битиклар туркий тилда ёзилганидир. Танганнинг бир томонида “Ла илаҳа иллолоҳу Муҳаммадур Русулулоҳ” деган ибора, иккинчи томонида эса эски ўзбек тилида “Амир Темур Кўрагон ҳимматидин Улуғбек Кўрагон сўзумуз” деган ёзув учрайди. Шунингдек, тангада зарб қилинган сана – 852 йил (1448–1449) ва шахар номи – Ҳирот ҳам қайд этилган.

Бу тангалар нафақат иқтисодий ҳаётнинг бир қисми, балки маданий, тарихий мерос сифатида ҳам юксак қийматга эгадир. Улар орқали биз нафақат Улуғбек замонидаги иқтисодий ислоҳотлар, балки она тилимиздаги ёзув маданияти ва давлат рамзларига бўлган муносабат ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлаемиз.

Лукма

“Халқ банки” КИМНИНГ БАНКИ?

ХАЛҚНИКИМИ ёки...

Пластик картанинг амал қилиш муддати тугагани сабабли “Халқ банки”нинг Ангрен филиалига ишим тушди. Тўртинчи марта боришимда, иш вақтини чамалаб, соат 9:00 га етиб бордим. Ҳар ҳолда ҳафтанинг биринчи кунин...

Тўрамирза ОРИПОВ, Ангрен шаҳри, “Боботоғ” МФЙ фахрийси

Аммо янглишибман, банк ходимларидан ҳеч ким ҳали ишга келмаган экан. Мен каби мижозлар кўп, аксига олиб, навбатни ҳисобга олиш ускунасида қоғоз тугаб қолибди. Ким-кимдан кейин библи бўлмади. Ниҳоят етиб келган ходима қизлардан бири “қўлбола навбат”да туришни таклиф қилиб қолди. Кимдир оддий қоғозга исм-шарифимизни кетма-кет ёзиб чиқди. Менга 18-навбат теғди.

Бир оз вақт борлиги учун ташқарига, тоза ҳавога чиқдим. Чикдим-у, пушаймон бўлдим. Атрофга назар солиб, дилим хира тортди.

Дарахт ва майсалар сувсизликдан қовжираб ётибди, кичир зиналари атрофи чикиндига тўлган...

Ичкари кирдим. Барака покиза жойда бўлишини тушунмаган банк ходимларидан муомала маданиятини кутиш ўринсиз. Уларнинг ўзаро суҳбати ҳам буни кўрсатиб турарди.

Туриб-туриб, кўнглимдан яна шундай фикрлар ўтди: “Пенсионернинг бўш вақти кўп, деб оддий пластик картани алмаштиришга 4-5 кунлаб сарсон қилишса, арзимас навбат матоҳини ишлатиб қўйишмаса, ходимларда муомала маданияти етишмаса, “Банк мижоз учун!” деган баландпарвоз шорлар қаерда қолди?


Юртбошимиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини

ошириш, ҳаётдан мамнунлик туйиб, мазмунли умр кечирिशлари учун қатор ташаббусларни илгари сураётган бир вақтда банк ходимларининг бу тахлит тутумини қандай изоҳлаш мумкин?”

“Шу оламга шу поччам”, деган нақлни эшитгандирсиз. Биз, мижозларда ҳам оддий кундалиқ маданият етишмаслиги кишини ўйга чўмдиради. Бир зумда банк ўйлаги гала-говурга тўлган, кимдир навбат талашади, кимдир ўзидан катта киши тартибга қақиргани учун жерқийди, яна биров бурчакка нос туфлайди...

Буларни ёзишдан мақсадим кимдидир қоралаш эмас. Жамият бир бутун тушунча. Бу бизнинг жамиятимиз, уни қандай шакллантириш ўзимизга боғлиқ.

Атроф озода, яшилликка бурканган, одамлар бир-бирига хушмуомала, давлат хизматлари ортқича қоғозбозлик, сарсонгарчиликдан холи тизимни кўз олдингизга келтиринг. Ҳаёт сифати, муносиб турмуш дегани шу эмасми, аслида?



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!